



Ёрқин ШУКУРОВ,
ЎзХИА мустақил тадқиқотчиси

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА КИТОБНИНГ ЎРНИ ВА КИТОБАТ ҚИЛИШ АНЪАНАЛАРИ

Башарият тарихида китобнинг ўрни ва аҳамияти юксак бўлиб, китоб илоҳий ва маънавий-руҳий озуқа сифатида азалдан ардоқланган. Умуман китоб тушунчасининг юзага келиши, китобнинг инсон моддий ва маънавий бойликларининг асосий унсурларидан бирига айланиши, китобат қилиш амалиётининг санъат даражасига кўтарилиши, унинг миллий анъаналари ва технологияларининг ривожланиши, китобнинг шахс шаклланишидаги аҳамияти кабилар қадимги цивилизацияларнинг муҳим кўрсаткичларидан бўлган. Қадимги Миср, Юнон ва Рим, Хитой, Ҳинд, Эрон цивилизациялари, регионал марказларидан бўлган Ассирия, Мессопотамия, Шумерлар, Жанубий ва Шимолий Америка тамаддун ўчоқлари кабиларда китоб айнан илоҳий қудратнинг ифодаси сифатида амал қилиб келган.

Бизнинг ҳудудимизда, яъни Ўрта Осиёда тарқалган қадимги тамаддун

марказларидан бўлган Жайтун маданияти, Олтин-тепа, Марғиёна, Парфия, Кушон хонлиги, Хоразм, Сўғд маданияти, Бақтрия, Чоч, Фарғона, Мурғоб, Кантемир, Ғуссор, Селенғур, Тешиктош кабиларда ҳам авлоддан авлодга ўтказиладиган қадриятларни сақлаш ва муҳофаза қилишнинг тегишли воситалари мавжуд бўлиб, улар мазмунан китоб тушунчасига тўғри келган, бироқ шаклан замонавий китоб тушунчасидан айри ҳолда «оғзаки китоб» шаклида кенг ривож топган.

Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан бошлаб дунё миқёсида барча минтақалар фольклор намуналарида халқ ижрочилари бўлган коҳин (араб), шоир, бахши, жарчилар (ўзбек, қадимги туркий), оленши, оқин (қозоқ, қирғиз, уйғур, қорақалпоқ), ошуғ (озарбайжон), гусан (арман), трубадурлар ва менестреллар (Европа мамлакатлари) фаолиятида «оғзаки китобат» анъанаси ўз аксини топган.

Адам Фергюссон фундаментал тарзда тамаддунларнинг келиб чиқиши сабаблари ва йўналишларини ўрганиб чиққан бўлиб, цивилизациянинг бош хусусиятлари таркибига ижтимоий қатламлар, ёзма манбалар ва алфавит, шаҳарлар, ҳунармандчилик мавжудлиги кабиларни киритади. Шу билан бирга олим тафаккурни цивилизация унсурини деб баҳолайди ҳамда тафаккурнинг рационал ҳаракат қилишини тамаддун сифатларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтади. Демак, ёзув, яъни алфавит ва ёзма манбаларнинг мавжудлиги аслида китоб ва китобат қилиш анъаналарининг вужудга келиши асоси саналади.

Китобтушунчасининг тўлақонли шаклланишида қадимги ёзувлар, тош ёзувларининг аҳамияти катта бўлган. Китобтушунчасининг ўзи ахборот тарқатиш усули, анъанаси ва шакллари сифатида халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари, хусусан ашулалар, мурожаатлар, айтишувлар, эртаклар, мифлар тарзида узоқ давр мабайнида мавжуд бўлган. Айтиш мумкинки, мана шу «оғзаки китоб» даврида барча тамаддунларнинг маълум ахлоқий-маънавий қарашлари шаклланиб, оғзаки тарзда авлоддан авлодга етказилган. Мазкур давр тўлақонли китобтушунчасининг шаклланишида илк босқич вазифасини ўтаган.

Арабистон ярим ороли ҳудудида қадимги цивилизациялар даврида, яъни эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик даврида турли ёзувларнинг шаклланиш жараёни кечган. Кейинги даврларда, хусусан III – V асрларда семит, сабей, арамей тилларининг алфавитлари ёзув нормасига айланган ва кенг тарқалган. Бу даврлардан тош ёзувлари, ўрама китоб (свиток), сопол тахтакачлар (глиняные дощечки), дарахт пўстлоғидаги ёзувлар, ҳайвонлар терисига ёзилган ёзувлар, металл саҳифаларидаги ёзувлар сақланиб қолган бўлиб, улар ахборотни

узатиш ва сақлашда китоб босқичига ўтишнинг муҳим жараёни бўлиб хизмат қилган. Мазкур хусусиятлар жоҳилия даврига ҳам тегишли бўлиб, арабларнинг оғзаки ижод намуналари бўлган «Минг бир кеча», араб эртаклари, мақол, матал, афоризмлар, халқ поэзияси, араб халқ романи, асотирларда ўз аксини топган. И.М.Фильштинский бу ҳақда шундай дейди: «Қадимги араб шоирларининг ижоди оғзаки эди». Арабларда оғзаки адабиёт намуналарини ёдда сақлаб, уларни баён қилувчиларни «ровий»лар деб аташган. Кейинчалик ислом даврида ҳам ҳадислар айтиувчиларни ҳам анъанага кўра, «ровий»лар деб атаганлар.

Э.Ртвеладзенинг фикрига кўра, «У ёки бу халқ маданиятининг барқарорлиги кўп ҳолларда уларда цивилизациянинг энг муҳим ютуқларидан бири бўлган ёзув анъанасининг мавжудлиги билан белгиланади. Ёзувнинг энг асосий вазифаси эса аждодларнинг буюк ишларини авлоддан авлодга етказиб бериш имкониятидир. Ёзув давлатчилик келиб чиқиши билан узвий ҳолда вужудга келади, чунки давлат ёзувсиз мавжуд бўла олмайди. Ёзув давлат бошқарувининг турли маъмурий-ҳуқуқий институтларининг ишлашини таъминлаб берувчи асос саналади». Жаҳон тарихидаги энг қадимги ёзув Финикия подшоҳининг саркофагига эрамиздан 1000 йил аввал ёзилган ҳамда саркофагни ким очиб, уни безовта қилса, унинг «бошига балолар» ёғдирилиши ҳақидаги ёзувдир.

Бинобарин, ёзувнинг мавжудлиги, ахборотни сақлаш ва унинг аниқлигини муҳофаза қилиш талаби ва эҳтиёжи, ахборотларнинг баъзан жуда катта ҳажмга эга бўлиб бориши китобга бўлган ижтимоий талабни кескин оширган. Натижада, айнан жоҳилия даврида китобат қилиш анъанаси, техникаси, бошқа халқлар анъаналари ва усуллари жорий этиш учун қулай ижтимоий-маданий муҳит пишиб етилган.

Арабшунос А.Б.Холидов ўзининг «Араб маданиятида қўлёзма китоб» номли мақоласида «арабларда китобни қўлёзма асосида ёзиш ва тарқатиш анъанаси VII асрдан бошланиб, то XIX асргача давом этди», деб таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга, олим «араблар ёзувсиз халқ бўлиб, узоқ давр китобат қилишдан холи бўлганлар», деб айтади. Лекин шу билан бирга, арабларда III асрга келиб, сўз санъати ва бадиий тил анчайин камол топиб, ривожланган эканлиги уқтирилади. Бинобарин, олимнинг фикрларида маълум бир қарама-қаршилик кўзга ташланади. Бир томондан, китоблар йўқлиги ва китоб қилиш анъанаси умуман мавжуд эмаслиги, қўлёзмалар сақланмаганлиги таъкидланса, иккинчи томондан, поэтик тафаккур ва унинг маҳсули бўлган шеърий, эпик асарларнинг кўплиги тан олинади. Аммо, мазкур икки вазият ва ҳолатнинг бири иккинчисисиз бўлмаслиги аён. Агар бадиий тўқима асосидаги асарлар мавжуд бўлса, улар яхлит шакл ва тузилишда авлоддан авлодга ўтказилиб, асрлар оша сақланган бўлса, улар халқ маданиятининг ажралмас узвий бирлиги сифатида баҳоланса, демак, мана шу оғзаки тарзда сақланган атрефактлар, бизнинг ҳолатимизда, бадиий асарлар қоғозга туширилмаган бўлса ҳам, «китоб» тушунчаси ичига киритилган ва китоб сифатида ардоқланган. Бинобарин, исломгача бўлган даврдаги араб фольклори тушунчаси доирасида амал қилган умумараб адабиёти намуналари айнан оғзаки китобат қилинганлиги боис сақланиб, бизнинг давримизгача етиб келган.

Китоб ва китобат қилиш технологиясининг араблар маданиятига ислом даврида кириб келишини цивилизациян бурилиш, туб трансформация, ўсиш ва юксалиш сифатида баҳолаш ўринлидир. Мазкур жараённинг икки муҳим қирраси мавжуд. Бири – ислом истилоси билан

боғлиқ равишда Арабистон ярим оролидан бошқа ҳудудларнинг босиб олиниши ҳамда улардаги қадимги китобат қилиш анъаналари, хусусан қоғоз ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – Қуръон ва уни ёзиб олиш эҳтиёжи, мусулмонларнинг муқаддас китобига бўлган эъзозли муносабат, Қуръон матнини кенг тарқатиш, уни безаш анъаналари билан боғлиқдир.

Биринчи йўналишда ислом халифалигининг сиёсий, иқтисодий, маданий мақсад ва вазифаларига монанд ва уйғун тарзда, тобора кенгайиб бораётган давлатчилик тузилишига улар ижтимоий ҳаётини унификация қилиб берувчи асос талаб қилинди. Айнан араб ёзуви ва унинг ислом ореоли давлатларига тарқалиб, ягона маъмурий-илмий стандарт сифатида қабул қилиниши китобат қилиш анъанасининг тамал тошларини қўйди. Аввало, кундан кун катталашиб бораётган давлатнинг барча ҳужжат ишларини бир стандарт асосида олиб бориш, ҳужжатларни йиғиш ва сақлаб қолиш вазифасини бажариш тақозо этилди. Халифалик девонларида ва халқнинг ёзув-чизувга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қоплаш учун махсус котиблар, мирзолар институтлари вужудга келди. Бу ўринда қоғозга бўлган эҳтиёж ҳаддан ташқари ортиб борди. Арабларнинг ўзида қоғоз ишлаб чиқариш анъанаси мавжуд эмас эди. Чунки қоғоз ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материалларнинг ўзи йўқ эди. Бинобарин, араблар бошқа халқлар анъаналарини ўзлаштирдилар ҳамда ажам халқлари, хусусан Миср, Сурия ва Мовароуннаҳр анъаналарига таяниб иш кўрдилар. Санаб ўтилган ҳудудлар ислом истилосидан сўнг ислом дини ривожини, халифаликдан кейинги амирликлар даври учун қоғоз ишлаб берувчи базага айлантирилди.

Мисрда папирус энг қадимги фиръавнлар давридан, шу номдаги ботқоқ ўсимлигига қайта ишлов бериш асосида эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб ишлаб чиқарилган. Папирус Мисрдан антик юнон-рим маданиятига ўтган ҳамда жуда кенг тарқалган. Эрамизнинг XII асригача папирус кенг қўлланилган бўлиб, кейинчалик айнан ёзув учун мўлжалланган қоғознинг ишлаб чиқарилиши папирус ўрнини олган ва уни сиқиб чиқарган. Папирус ишлаб чиқаришдан олдинроқ цивилизация марказларида дарахтлар, хусусан қайин, тут, қайрағоч кабилар қобиғидан, ёки пергамент, яъни ҳайвонлар терисидан қоғоз материалларини ишлаб чиқариш ривожланган.

Қоғоз ишлаб чиқаришнинг ватани Хитой ҳисобланади. Цай Лун ўсимлик толаларининг сувли бўтқасини тўрдан ўтказиб, қоғоз олишга муяссар бўлган. Цай Лун эрамизнинг 105 йилларидан бошлаб қоғоз ишлаб чиқара бошлаган. Қоғоз ишлаб чиқариш усуллари кўп асрлар давомида сир сақланган ва давлат сири саналган. VI аср бошларида қоғоз ишлаб чиқариш сирлари Япония ва Кореяда ўзлаштирилади. VI – VIII асрларга келиб қоғоз ишлаб чиқариш Осиёдаги бошқа мамлакатларга тарқалади. Мана шу даврдан бошлаб, қоғоз (папирус) ишлаб чиқаришдаги Миср монополияси тугатилади. Бу даврда қоғоз ишлаб чиқариш Ўрта Осиё, хусусан Самарқандда, Корея ва Японияда кенг тарқалган. XI – XII асрлардагина қоғоз ишлаб чиқариш бўйича хитой усулининг қайта ишланган усуллари ислом маданияти таъсири остида Европада ижодий ўзлаштирилган ва ривожлантирилган.

Европа худудида қоғознинг тарқалишида бизнинг аجدодларимиз, яъни Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш анъаналарининг ўз ўрни мавжуд. Чунки араб истилоси даврида айнан Самарқанд ис-

лом олами учун энг сифатли қоғозларни ишлаб чиқарувчи ҳудуд бўлиб хизмат қилган. Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш VII асрдан бошланиб, то XIX асрнинг иккинчи ярмигача давом этган. Бинобарин, ислом даврида китоб ва китобат қилиш анъанаси тараққиётида Мовароуннаҳр, аниқроқ айтадиган бўлсак, Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш анъанаси жуда катта аҳамият касб этганлигини таъкидлаш жоиз.

751 йилнинг ёзида Талош дарёси бўйида Аббосийлар халифалиги, хусусан халифанинг мазкур ҳудуддаги ҳокими Абу Муслим аскарлари, уларга ҳамкор бўлган Тургеш қоҳинлиги бир томондан ва иккинчи томондан Хитойнинг Тан империяси аскарлари ўртасида Ўрта Осиё худудига эгалик қилиш ҳуқуқи учун жуда катта жанг бўлиб ўтади. Натижада Аббосийлар тургешлар қўмагида ютиб чиқишади. Мазкур жангнинг жуда катта тарихий аҳамияти мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг таъкидлашига кўра, жанг оқибатида ислом дини Марказий Осиёда, хусусан Мовароуннаҳрда ҳукмрон дин даражасига кўтарилишига, араблар истилосининг ниҳояга етишига имкон яратилади. Шу билан бирга, мазкур жанг хитойликларнинг материк ичига, айниқса, Марказий Осиё ерларига бостириб киришларига, шунингдек, арабларнинг ҳам Узоқ Шарқ мамлакатларини босиб олишига чек қўяди. Мазкур жанг натижа-сида асир тушган хитой аскарлари уларнинг ҳаётларини сақлаб қолиш эвазига қоғоз ишлаб чиқариш бўйича сирларни ҳамда унинг технологиясини маҳаллий аҳолига ўргатишади. Шундай қилиб, Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш бўйича ўрта асрлар ислом давлатлари худуди учун бош марказга айланади.

Самарқанд қоғози ўзининг силлиқ эканлиги, муҳими, узоқ вақтларгача ўзгармай сақланиши боис машҳур бўлиб боради. Бугунги кунда ислом артефакт-

лари ва қўлёмаларининг қўпчилиги айнан Самарқанд қоғозига ёзилганлиги боис сақланиб қолган.

Самарқанд қоғози анчайин қиммат қоғоз саналиб, унинг «султон қоғоз» – қоғоз, «абришум, яъни ипак қоғоз» – сариқ қоғоз, «нимкано» – жигарранг қоғоз турлари мавжуд бўлган. «Амир Иброҳим» қоғозининг эса қаватлар ўртасида доира шаклидаги мойбўёғи бўлган. Ўша даврларда қоғоз ишлаб чиқариш кенг ривожланиб, яхши даромад келтирувчи хунармандчилик турларидан бўлган. Самарқанд шаҳрининг ўзида 40 дан ортиқ қоғоз ишлаб чиқариш устахоналари фаолият олиб борган. Самарқанд қоғози ҳақидаги фикрлар машҳур уламо ва фозиллар баҳосида ҳам сақланиб қолган. Хусусан, бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида энг сифатли қоғоз Самарқанд қоғози эканлиги, Конибил ариқларидан қоғоз увиш учун фойдаланиш ҳақида ахборот бериб ўтади.

Адам Мец фикрига кўра, Самарқанд қоғози IX – X асрларда мусулмон оламида ҳақиқий туб бурилиш ясади ва қарийб минг йил давомида жаҳон бозорларида энг сифатли, ноёб ва қиммат-

баҳо товар сифатида унга бўлган талаб йўқолмади ва эъзозланди. Абу Шомал-Мақдисийнинг фикрига кўра, Тошкент идишлари, Хоразм ўқ-ёйлари ва Самарқанд қоғозининг бутун ислом оламида тенги йўқ бўлган. Абу Мансур ас-Саолибийнинг фикрига кўра ҳам, Самарқанд қоғози Миср қоғозидан устун турган.

Шундай қилиб, ислом маданиятида китоб ва китобат санъати бир неча йўналишларда ривожланган:

- араб миллий фольклоридаги «оғзаки китоблар» шаклида;
- араб истилосидан сўнг босиб олинган ҳудудлардаги (Миср, Ўрта Осиё, Мовароуннаҳр) қоғоз қилиш анъанаси ва технологиясини ўзлаштириш асосида;
- ислом дини муқаддас китоби бўлган Қуръонни китобат қилиш эҳтиёжи ва зарурати асосида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ислом маданиятида китоб ва китобат қилиш анъанасида Мовароуннаҳр маданияти, хусусан Самарқанд қоғозининг ўрни ва миқёси жаҳоншумул цивилизация аҳамият касб этган бўлиб, айнан Самарқанд қоғози анъаналари Европада қоғоздан фойдаланиш ва қоғоз ишлаб чиқариш жараёнларига ислом маданияти орқали ўз таъсирини ўтказган.

